

## Мазҳабга оид мўътабар асарлар

Image not found or type unknown



12:30 / 12.01.2022 2070

Маълумки, Islom.uz портали «МАЗҲАБЛАР — БИРЛИК РАМЗИ» шиори остида танлов эълон қилган.

2-чорак — моликий мазҳабига оид мавзуда бўлиб, иштирокчилар томонидан @islomuztanlovbot манзилига келиб тушаётган навбатдаги мақолани сиз азизларга ҳавола қиламиз.

### **Мазҳабга оид мўътабар асарлар**

«Муваттў» Имом Молик

«Танвийрул ҳаволик шарҳун ала Муваттў Молик» Имом Жалолуддийн Суютий

«Ат-тамхийд лима фил Муваттў минал маъоний вал асонийд» Абу Умар Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулбарр

«Кашфул муғотто минал маъоний вал алфозил воқеъати фил Муваттў» Муҳаммад Тоҳир ибн Ошур

Фуруъул фикҳ китоблари:

«Мудаавана» Саҳнун Абдуссалом ибн Саъийд Таннужий

«Мухтасари Халил» бу китоб Моликий мазҳабига мансуб бўлиб, унинг муаллифи Халил ибн Ишоқ ал-Жундий Моликийдир (ҳижрий 767-санада вафот этган).

«Мухтасари Халил» Моликий мазҳабидаги далилсиз битилган китобларнинг энг машҳури ҳисобланади. Моликийлар орасида «Мухтасари Халил» худди бизда «Мухтасари Виқоя» қандай бўлса, шундайдир.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳга шундай насиҳат қилдилар:

يٰۤاَيُّهَا صَعْمَلُ اَمَلٌ لَطَبٌ هَئِذَا طَتَّ اَلْفِ اِرْوَنُ كَبَلٌ قَلْبٌ لَقَدْ اَرَاكَ اَعْتَهَلَلْتُ اَرَا يٰۤاَيُّهَا

Яъни, «Албатта, мен Аллоҳ таоло сенинг қалбингга бир нур солганини кўряпман. Бас, сен уни гуноҳ зулматлари ила ўчириб юборма». *Абул Валид Божий (Сулаймон ибн Халаф).*

Қози Иёзнинг «Тартибул -мадорик» китобида имом, ҳофиз, фақих, муҳаддис Абул Валид Божий Сулаймон ибн Халаф Андалусий Қуртубий ҳақида шундай дейилади:

«Туғилган жойи Бадажоз бўлиб, кейинчалик Андалуснинг Божа деган жойига кўчади. У Андалусга келган вақтида камбағал эди. Ҳатто сафарлари давомида шеър ёзиш билан тирикчилик қилишга мажбур бўларди. Эшитишимча, Бағдодда яшаган чоғида дарага қўриқчилик қилиб ҳам пул топган. У зот тирикчилигини мана шу касбидан олган фойдаси эвазига ўтказар, табиийки, тунда чироқнинг нурида китоб мутолаа қиларди. Андалусга келганда жуда ночор эди. У зот тилла суви югуртирилган ипларни йигириб, зеб-зийнат бериш учун зарб этиладиган ишга кирган эди. Шунингдек, у ишончномалар тузар эди. Ишончли шогирдларидан бири буни тасдиқлаб шундай дейди: «Биз дарс ўқиб бериш учун унинг ёнига борар эдик. Олдимизга чиққанида қўлларида болғанинг изи ва занги шундоққина кўриниб турарди. Бора-бора унинг илми кенг

тарқалиб машхур бўлди. Одамлар у зотни кўп мақташар эди. Ёзган китоблари оммалашиб кетгач, дунёнинг ўзи унинг оёқлари остига келди. Обрўси ошиб, унга бериладиган ҳадя-ю совғалар кўпайди. Аҳволи ўнгланиб, вафот этгунига қадар мўл-кўлчиликда яшади».

У Ибн Ҳазм билан баҳс -мунозарали мажлислар қилиб турарди. Ана шу мажлислардан кейин Ибн Ҳазм шарманда бўлиб, Маёркадан чиқиб кетишга мажбур бўлди".

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилган диёрнинг имоми имом Молик (95-179/714-796) фақирлик туфайли азоб чекканида ўз уйи томининг тўсинини сотиб юборган эди. Ўз замонасида моликий мазҳабининг имоми қози Иёз «Тартибул мадорик ли маърифати аъломи мазҳаби Молик» китобидаги «Имом Моликнинг илм олишни бошлаши ва бунда сабр қилиши» бобида қуйидагиларни айтади:

«Ибн Қосим айтади: «Илм ўрганиш имом Моликни уйининг томини бузиб, ёғочини сотишга мажбур қилди. Аммо кейинчалик дунёнинг ўзи унинг орқасидан қувди».

Қози Иёз бу сўзлардан кейин имом Молик айтган қуйидаги сўзларни ҳам келтирадилар: «Бу ишга, яъни илмга фақирлик таъмини татиб кўрилмагунча эришилмайди».

***Бахтихон Шарипова***

### **Эслатма:**

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги мавзуларда мақола ҳамда (араб, рус, инглиз, форс ва бошқа тиллардан) таржималар, илмий-тадқиқот ишлари, аудио ва видеосўхбатлар тақдим этишлари талаб этилади:

- Мазҳаб тушунчаси ва унинг тарихи;
- Мазҳаб ҳақида мўътабар уламоларнинг фикрлари;
- Мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари;
- Мазҳабнинг усуллари;
- Мазҳабга оид мўътабар асарлар;
- Масҳабсизлик ва унинг хатарлари.

Танлов шартига кўра, тақдим этилаётган материаллар аввал бошқа манбаларда берилмаган бўлиши, илмий асосга эга бўлиши лозим.

Танлов тўрт чоракдан иборат бўлиб, ҳар бир чорак битта мазҳабга бағишланади:

1-чорак — ҳанафий мазҳаби;

2-чорак — моликий мазҳаби;

3-чорак — шофеъий мазҳаби;

4-чорак — ҳанбалий мазҳаби.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган материаллар [islom.uz](http://islom.uz) сайтида эълон қилиб борилади. Материалларни [@islomuztanlovbot](https://t.me/islomuztanlovbot) телеграм манзилига юборишингиз мумкин. Танлов 1443 йил зулҳижжа ойида (2022 йилнинг июль ойида) яқунланади. Ғолиблар қимматбаҳо мукофот ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.